# “ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

## “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” *АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ*

М. Улугбек *туман электр таъминоти корхонаси*

# УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

# Ш А Р Т Н О М А С И

Шартнома рақами 6090

Истеъмолчи номи Тошкент ахборот технологиялари техникуми

Истеъмолчи уяли телефон рақамлари (95)199-70-54

Истеъмолчи маъсул ходими Сарваров Х. А

*Бригада рақами* 16
*Китоб рақами* 118

# УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "13" январ 6090 - сон Тошкент
ТЭТК номи

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari "AJ нинг 2022 йил "____" ____________ да рўйхатдан ўтказилган 42-МЦ- 1-12/3113 – сон ишончнома асосида фаолият юритувчи М. Улугбек ТЭТК рахбари Исроилов Н. Б.
(туман электр таъминоти корхонасининг номи) Ф.И.О

(кейинги ўринларда "Таъминотчи корхона" деб аталади) бир томондан хамда устав асосида фаолият юритувчи Тошкент ахборот технологиялари техникуми
(истеъмолчининг номи)

рахбари Д. Э. Ли (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади).
(истеъмолчи рахбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўгрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофик, "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"га электр энергиясини уланган тармок оркали етказиб бериш ва "Истеъмолчи" истеъмол килинган энергия учун ўз вактида хак тўлаш мажбуриятини олади.

## II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

Актив 62220 кВт.с. реактив ____________________ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 27999000 сўмни, тариф бўйича 450 ташкил этади.
тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган. (кераклиси ёзилсин)

2.3. "Истеъмолчи"га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик хажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танкислик юзага келган такдирда, Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд этилган, стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал хажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича истеъмолчи билан белгиланган тартибда олдиндан келишилган холда етказиб берилишини таъминлаш шарт (7-илова).

2.4. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол килинган электр энергиясининг хак тўланиши лозим бўлган хажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган холда аникланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташкари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоклари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларидаги электр энергиясини ҳисобга олиш электрон асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) ҳисобга олиш асбоблари илк маротаба (биринчи маротаба) худудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан алмаштирилади.

Ҳисобга олиш истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи коммутация, ҳисобга олиш асбобларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) ҳисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истеъмолчи томонидан улар қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан амалга оширилади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат $6^{00}$ дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта миқдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$ дан $6^{00}$ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергияни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равишда истеъмол қилинган (ҳосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар.соат учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. "Таъминотчи корхона" истеъмолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

"Истеъмолчи" ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан зарурат бўлганда холда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади ва ушбу ҳисоботни "Таъминотчи корхона"га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "05" санасигача тақдим этади. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган "Истеъмолчи"лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) жорий этилган истеъмолчиларда ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, кўрсаткичларда ноаниқликлар кузатилганда, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва "Таъминотчи корхона" томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. "Истеъмолчи"га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Яъни, истеъмолчи ойлик электр энергия истеъмоли бўйича

хисоботни ойнинг 01 санасидан 05 санасигача электрон ёки ёзма шаклда топширади, сўнгра ойнинг 10-санасигача хисобот ойи ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик миқдор учун олдиндан ҳақ тўлайди. Ойлик истеъмол ва олдиндан тўловни тўлиқ тўламаган истеъмолчилар, ойнинг 11-санасидан бошлаб огоҳлантиришсиз электр манбаидан узилади.

Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

Мунтазам равишда (1ойдан ортиқ вақт давомида) тўловларни тўламасдан келаётган истеъмолчилар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз тармоқдан ажратилади (махсус тартибда электр энергия етказиб бериладиган истеъмолчилар бндан мустасно).

3.7. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади. Тўлов тўғрисида истеъмолчини хабардор қилиш огоҳлантириш ҳисобланади.

"Истеъмолчи" турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

"Таъминотчи корхона" томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар махсус дастурий маҳсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағи ёзма шаклда бералади.

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ёки тарафлар келишуви асосида ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Зарурият бўлганда таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. "Истеъмолчи" томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида "Таъминотчи корхона"га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда талбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Энергия таъминот корхонаси ходимлари хар ойда хисоблагич уланиш схемаларини текширишга мажбур эмас.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

"Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1.15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

"Истеъмолчи"нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган хар бир кун учун "Истеъмолчи"га тўлов муддати ўтган сумманинг 0.1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" хар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. "Истеъмолчи"ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда;

Суд органларинннинг қонуний кучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний кучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энегия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўланиши ҳақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида хақ ундирилади. Бунда, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭҲНАТ)га уланган яъни,

хисобга олиш прибори автоматик тарзда БИЛИНГ дастури томонидан ўчирилган истеъмолчиларни тармоқларига қайта уланиши учун хак ундирилмайди

3.17. "Истеъмолчи" электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. "Истеъмолчи" томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўгрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат килган холда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси хакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида;

Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан ахолига электр энергияси етказиб бериш максадида фойдаланувчи идоравий ва муниципиал уй-жой фонди, юридик шахслар ётокхоналари, диний ташкилотлар, шунингдек, электр энергиясидан ахоли эхтиёжлари учун фойдаланадиган локал козонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва электр энергиясини хисобга олиш асбоблари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошка жойга ўрнатиш ва алмаштириш таъминотчи корхона билан келишилган холда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан, электр энергиясини хисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини хисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, хисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилган, электр энергиясини хисобга олиш приборидан ташкари электр кабул килгичларни улаш ёки энергия бошка усулда ўгирланган холларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича коидани бузиш далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчини электр тармогидан узиб қўяди.

Хисобга олинмаган электр энергияси микдорининг киймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчининг иш соатлари сони хисобга олинган холда электр кабул килгичларнинг уланган кувватı бўйича қуйидаги холатларда амалга оширилади:

электр энергиясини хисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, хисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва хисобга олишни назорат килиш асбобларидан ташкари электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган (аниқлаш мураккаб бўлган) яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни хисобга олишнинг назорат асбоблари охирги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда – охирги марта электрон кўрсаткичлар олинган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилаётган вақтдаги тариф қўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун ўғирлик ҳолатларида ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал қиладиган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Тўлов ҳужжатида хатолар ёки ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичида ноаниқликлар аниқланган тақдирда (хатолик билан ишлаш ҳолатлари ёки ҳисоблагич инсон омили таъсирсиз носоз ишлаш ҳолатларида) ҳақиқий электр энергия хажми ҳисоб-китоб қилинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Қоидаларни бузган Истеъмолчи электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, қоида бузиш далолатномасида истеъмолчини таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

3.20 Субистеъмолчилар билан шартномалар тўғридан-тўғри расмийлаштирилган ҳолларда, истеъмолчи ва субистеъмолчи ўртасида эксплуатацион харажатлар ёки бошқа сабабларга кўра ўзаро келишмовчиликлар содир бўлганда, асосий истеъмолчи томонидан субистемолчини электр тармоқдан ажратилган ҳолатлари учун энергия таъминот корхонаси жавобгар ҳисобланмайди.

3.21 Субистеъмолчилар билан шартномалар тўғридан-тўғри туман ЭТК томонидан расмийлаштирилган ҳолатларида, истеъмолчи ва субистеъмолчи электр тармоғида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар (ёнғин, авария ҳолатлари, инсон ўлими билан боғлиқ ҳодисалар ва ҳоказолар) учун энергия таъминот корхонаси жавобгар ҳисобланмайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

"Истеъмолчи"нинг электр қурилмаларини "Таъминотчи корхона" электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

- сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр

энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Таъминотчи корхона"га истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида худудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси сабабсиз етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. **"Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур**:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Ўзэнергоинспекциясининг"нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун худудий электр тармоқлари корхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эхтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эхтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эхтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭҲНАТ тизимида муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўсқинлик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий хуқуқий хужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳакида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

"Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. **"Таъминотчи корхона" қуйидаги ҳуқуқларга эга**:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

авария режимида истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (ўчириш);

ЭҲНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблағ тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган истеъмолчиларни узиш. Бунда узилгандан сўнг истеъмолчининг кўриши мумкин бўлган зарари учун "Таъминотчи корхона" жавобгар бўлмайди.

Мазкур Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

"Таъминотчи корхона" қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. **"Таъминотчи корхона" қуйидагиларга мажбур:**

"Истеъмолчи"га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

"Истеъмолчи"ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алока воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали, интернет сайт тармоқлари орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда "Истеъмолчига" олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги "Истеъмолчи"нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, "Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари"га мувофиқ бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

"Истеъмолчи"га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

истеъмолчининг сарфлаган электр энергияси учун қарзи вужудга келганда қарзни беш кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида ёзма хабардор қилиш (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, "Таъминотчи корхона" бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

"Истеъмолчи" электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали

бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчилар (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва харакатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

## VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

6. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## VII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Шартнома 2022 йил 31-декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

7.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

**Истеъмолчиларга огохлантириш !**

Умумий фойдаланишдаги электртармокларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш коидаларини бошкача тарзда бузиш ёхуд электр энергиясини хисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига касддан шикаст етказиш ёки бундай хисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларга ташкаридан аралашиш, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101 хамда Жиноят кодексининг 185-2 моддаларига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**ИСТЕЪМОЛЧИ:** Тошкент Ахборот технологиялари Техникуми

**Юридик манзили** Мустақиллик кўчаси 4-уй

Хисобрақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201122919

*Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:*

*Бюджет фондининг ҳисобрақами* 100010860262697092902078002

Банк коди (МФО) STIR (ИНН) 200540613

*Бюджетдан ташқари фондининг ҳисобрақами* 400110860262697092902078001

Банк коди (МФО) STIR (ИНН) 200540613

ҚҚС тўловчининг коди

*Телефонлар* (55) 502-01-01 *Факс;* *e.meil:*

*(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли ,факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)*

Кадастр рақами __:__:__:__:__:____:____:__

***Статистик кодлар:***

IFUT (ОКЭД) 85320

DBIBT (СООГУ)

MHOBT (СОАТО) 1726269

(КФС)

TSHK (КОПФ)

**ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:**

Почта манзили М Улугбек т-ни Кибрай-13а

Хисобрақами 22636000800126958501

Банк коди (МФО) 00424 STIR (ИНН) 201052490

ҚҚС тўловчининг коди

*Телефонлар:* (71) 267-57-40 *Факс:*

*Статистик кодлар:*

DBIBT (СООГУ)

MHOBT (СОАТО)

Истеъмолчи: [signature] Д. Э. Ли

Таъминотчи корхона: [signature]

*Имзо, муҳр ўрни. Ф.И.Ш.* *Имзо, муҳр ўрни. Ф.И.Ш.*

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси 6090 юристконсульт _______
Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт _______
имзоси

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

**Етказиб бериладиган энергия хажми**

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият тури Техникум
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати: ____________кВА (кВт)
4. Техник шарт рақами ____________. санаси ____________
   Техник шарт бўйича рухсат берилган қуввати 90,0 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) II
   Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) ____________
6. Ҳисоб-китоб тури: 1-ставка
   тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)
7. Маҳалла номи ____________

| Ойлар | Энергия хажми | |
|---|---|---|
| | **минг. кВт.с** | **Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори минг. кВар.с** |
| Январь | 20740 | |
| Февраль | 20740 | |
| Март | 20740 | |
| Апрель | | |
| Май | | |
| Июнь | | |
| Июль | | |
| Август | | |
| Сентябрь | | |
| Октябрь | | |
| Ноябрь | | |
| Декабрь | | |
| **Йил, жами** | 62220 | |

Иш соат ва кунлари: 8 соат, 26 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I 100, II 50, III 10

Истеъмолчи

Д.Э. Ли

М.Ў. (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Таъминотчи корхона

М.Ў. (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

## Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

| "Истеъмолчи"нинг (субистеъмолчининг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда | Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи) | Хисобга олиш прибори раками | Хисобга олиш прибори клемма копкогидаги пломбанинг раками | Ўлчов трансформатор-ларининг трансформация коэффициенти | | Хисоб-китоб коэффициенти | Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари, хисоблагич кўрсаткичи | Тариф тури сўм/ 1 кВт.с. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ток | Кучланиш | | | |
| ТП. | EX-518 | 124200361854 | | 300/5 | 04 | 60 | | 450 |
| | EX-518 | 124200361855 | | 300/5 | 04 | 60 | | 450 |

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:** ______ Д.Э. Ли
М.У. (Имзо)

**Таъминотчи корхона:** ______
М.У. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
2а – илова

Ҳисоблагич рақами № ____________

| Фаза | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

хисоблагич рақами ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақами |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

хисоблагич рақами № ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

хисоблагич рақами ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақами |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

хисоблагич рақами № ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

хисоблагич рақами № ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақами |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

ҳисоблагич рақами № ____________

| Фаза | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

ҳисоблагич рақами ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақами |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

ҳисоблагич рақами № ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

ҳисоблагич рақами ____________

| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақами |
|---|---|---|---|
| "A" | | | |
| "B" | | | |
| "C" | | | |

| Кучланиш трансформатори | | | |
|---|---|---|---|
| | Ўлчов коэффициенти | давлат рақамлари | пломба рақамлари |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

| БИ9 | кучланиш автомати |
|---|---|
| пломба рақамлари | пломба рақамлари |
| | |
| | |
| | |

Истеъмолчи: Д. Э. Ли

М.У.

Таъминотчи корхона:

М.У.

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги**
**ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади.

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами ______________ ток трансформатори 300/5 кучланиш трансформатори _____ жами коэфициент 60 ____ уланган қуввати 90,0 кВт

Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жой (манзил) ______________________________

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво электр тармоғи ______________________________

б) кабель электр тармоғи ААБл 3х95+1х50 мм²

в) подстанциялар. трансформатор подстанциялари ТП рақами 2039 . 2х400 кВА

2. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси на верхних губках в/в разъединителя отходящей в стор. потр. ТП

3. Улардан қуйидагиларга:

а) силовой трансформатор и все внутреннее эл обор.-е

хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан.

б) ТП-2039 обслуживается по договору с АО [illegible] [illegible]

"Истеъмолчи" билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" №______ сана ________ й. шартномаси асосида ______________________ томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ______________________________

**Вакиллар:**

Истеъмолчи ______________ (имзо) Д. Э. Ли (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Таъминотчи корхона ______________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича**
**ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга хисобланади:

а) Қуввати 2х400 кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари 3800 кВт.соат ёки ________%, реактив энергия йўқолишлари ________ кВАр.соат ёки ________% ташкил этади:

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўқотиш:
Узунлиги ________ м;
Кесим юзаси ________ мм²;
Русуми ________;
Кучланиши 04 кВ бўлса, ________кВт.соатни, ёки ________ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:
Узунлиги ________ м;
Кесим юзаси ________ мм²;
Русуми ________;
Кучланиши ________ кВ бўлса, ________ кВт.соатни, ёки ________ % ташкил этади.

Энергияни хар ойда жами йўқотишлар хажми хисоб давридаги энергия сарфининг ____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг хар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан келиб чиқиб аниқланади.

**Имзолар:**

| | |
|---|---|
| **Истеъмолчи:** | **Таъминотчи корхона:** |
| М.У. (Имзо) | М.У. (Имзо) |

Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

## Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича ҲИСОБОТ

20___ йил _________________ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» __________________ 20 _____ йил.

| Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив) | Ҳисоб-китоб коэффициенти | | | Ҳисобга олиш прибори кўрсатгичлари | | Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки | Сарф кВт.с., кВАр.с. | Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ток трансформаторининг (ТТ) | кучланиш трансформаторининг (КТ) | умумий | бошланғич | охирги | | | Эрталабки тиғиз вакт | Кун | Кечки тиғиз вакт | Тун | |
| | | | | | | | | соат 6-9 | соат 9-17 | соат 17-22 | соат 22-24 | соат 0-6 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| Жами | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

Изох: $7_{устун} = 6_{устун} - 5_{устун}$, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами $8_{устун} = 7_{устун} * 4_{устун}$,
$8_{устун} = 9_{устун} + 10_{устун} + 11_{устун} + 12_{устун} + гр13_{устун}$;

**Истеъмолчи раҳбари** М.У. __________________ Ф.И.Ш.имзоси

**Истеъмолчи энергетиги** __________________ Ф. И. Ш.имзоси

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

## 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

| Т/р № | Компенсация қурилмаларининг турлари | Қуввати | Уланиш вақти | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Эрталаб | Кечқурун | |
| 1. | Конденсаторлар, кВАр<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юқори,<br>жумладан: | | | | |
| 1.1. | Автоматик бошқариладиган:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юқори, | | | | |
| 1.2. | Қўлда бошқариладиган:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юқори, | | | | |
| 2. | Синхрон двигателлар - (СД), кВт | | | | |
| 3. | СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт) | | | | |
| 4. | Жами (1б.+3б.) кВАр:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юқори. | | | | |

*ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.*

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчи бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

(Имзо)

Таъминотчи корхона:

(Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича**
**ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг_______________________________________________
_______________________________иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

| Т/р № | Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:________кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.*

*б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)*

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _______________________ кВт
II босқич _______________________ кВт
III босқич _______________________ кВт
IV босқич _______________________ кВт

2. _____________ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| Т/р № | Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:________кВт

** а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари электр тармоғидан узилмаган ҳолда қолдирилади.*

*б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).*

**Имзолар:**

Истеъмолчи: Д. Э. Ли
М.У. (Имзо)

Таъминотчи корхона:
М.У. (Имзо)